

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH
VAZIRLIGI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY VA ЎRTA MAHSUS
TAYLIM VAZIRLIGI

TOHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI



5510500 – Фармация (турлари бўйича) ва 5111000 – Касбий таълим
(фармацевтика иши) таълим йўналишларининг негизида:

- 5A510501 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия
- 5A 510502 - Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш
- 5A510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси
- 5A320406 – Дори воситалар ва препаратлар технологияси

магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан

ДАСТУР

Тошкент - 2020 й.

Аннотация

Дастур 5А510501 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5А510502 – фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш, 5А510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси ва 5А320406 – Дори воситалар ва препаратлар технологиясимагистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5510500 – Фармация (турлари бўйича) ва 5111000 – Касб таълими (5510500 - Фармация (фармацевтика иши)) таълим йўналишларининг 2015/2016 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Кариева Ё.С.- Дори турлари технологияси кафедраси мудир, фарм.ф.д., проф.

Урманова Ф.Ф. – Фармакогнозия кафедраси мудир, фарм.ф.д., профессор

Убайдуллаев К.А. – Фармацевтик кимё кафедраси профессори , к.ф.н.

Файзиева З. Т. - Фармакология ва клиник фармация кафедраси мудир, т.ф.д., доцент

Умарова Ш.З. – Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси мудир, фармацевтика фанлари номзоди, доцент.

Суюнов Н. Д. – Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси доценти, фармацевтика фанлари доктори.

Дастур Фармация факультетининг 2020 йил __ июндаги №__ сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

Хозирги замон тиббиётининг ривожини ва унинг асосини бўлган фармацевтиканинг келажакдаги кўп жihatдан дорини воситалари ва препаратларининг миқдори, сифати ва аҳолини улар билан етарли таъминлашга боғлиқ. Умуман яқин келажакда фармацевтиканинг саноатининг аҳолини дорини воситалари ва препаратлари билан таъминланганлик даражасини айрим чет мамлакатлардаги каби 100% гача етказилиши лозим. Бунинг учун катта ҳажмдаги илмий ва амалий ишларни амалга ошириш керак. Бу эса ўз навбатида, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда самарали дорини воситалари ва препаратлари яратиш, янгидан янги фармацевтика корхоналарини ташкил қилиш, мавжудларидан максимал даражада фойдаланиш ва корхоналарнинг унумдорлигини ошириш, юқори даражали асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, маҳаллий хом ашёлар билан биргаликда дорини воситалари ва препаратлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 5510500 – Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5A510501 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 2 та ихтисослик фанлари бўйича: “Фармацевтик кимё”, “Фармакогнозия” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

Фармацияси факультети қошида очилган 5A320406 – Дорини воситалари ва препаратлар технологияси мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинувчи талабалар учун ушбу синов дастури айна муддаодир. Ўзбекистон Республикасининг дорини сийосатини такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини самарали, ҳавфсиз ва арзон дорини воситалари билан таъминлашни яхшилаш ва бунинг учун ўз соҳасини бўйича етук билим ва кўникмаларга эга бўлган, муаммоларни ечимини тўғри топиб жадаллик билан амалиётга қўллай оладиган, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV бобида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини самарали, арзон, иқтисодий ва социал муаммоларни таъминлаш» бўйича давлатнинг муҳим ижтимоий вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши, маҳаллий дорини препаратлари бозорини юқори сифатга ва биосамарадорликка, безарарликка эга воситалар билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этади.

Дастурни тузишдан мақсад 5A320406 – Дорини воситалари ва препаратлар технологияси магистратура мутахассислигига кирувчи талабаларнинг илмий ва илмий педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлаш.

ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ фани бўйича:

Дорини воситаларининг умумий таҳлил усуллари. Дорини моддаларни тасвирланиши ва эрувчанлигини аниқлаш усуллари.

Дори моддаларини умумий ва ҳусусий сифат реакциялари (NaCl , NaBr , KBr , NaI , KCl , CaCl_2 , NaHCO_3 , MgSO_4 , FeSO_4 , NaNO_2 , ZnSO_4 , натрий бензоат, натрий салицилат).

Дори моддалар таҳлилида қўлланиладиган эталон эритмалар. Дори моддалар физик константаларини аниқлаш (суюқланиш, қайнаш ҳарорати). Дори препаратларида муҳит шароитини (рН, кислоталик ва ишқорийлигини) аниқлаш. Дори моддалари ва уларнинг эритмаларини зичлигини аниқлашнинг фармакопейвий усуллари. Дори моддаларини чинлиги ва тозаллигини аниқлашда хроматографик усулларининг қўлланилиши. Фармацевтик таҳлилда қўлланиладиган титрланган эритмалар ва индикаторлар, уларни тайёрлаш ва титрини аниқлаш.

Дори моддаларнинг миқдорини аниқлашда қўлланиладиган кимёвий усуллар (NaNO_2 , KMnO_4 , J_2 , $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$, H_2SO_4 , KBrO_3 , KJO_3 , $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$, метил қизили).

Дори моддаларини миқдорини аниқлашда қўлланиладиган физикавий усуллар. Рефрактометрия, спектрофотометрия, фотоэлектроколориметрия, поляриметрия таҳлил усуллари

Тозаланган ва инъекция учун ишлатиладиган сув таҳлили. Уларнинг сифатига қўйилган талаблар

Ноорганик дори моддалар таҳлили. Галогенлар, бор, барий сақлаган дори моддалар, магний, кальций, рух, темир ва мис бирикмалари, уларни таҳлили.

Органик дори моддалар таҳлили. Галоген сақловчи органик дори моддалар йодоформ.

Алдегидлар, спиртлар ва эфирлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили (формальдегид, уротропин, диэтил эфири, этил спирт, нитроглицерин).

Углеводородлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. Глюкоза, сахароза. Уларнинг дори турлари.

Карбон кислоталар, Са глюконат, На цитрат, Са лактат, калий ацетат.

Тўйинмаган полиоксикарбон кислотанинг лактони ва витамин таъсирига эга бўлган карбон кислоталар таҳлили, Са пантотенат, Са пангомат, аскорбин кислотаси.

Алифатик аминокислоталар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили.

Беталактаמידлар ва аминокликозидлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили, табиий ва ярим синтетик пенициллинлар, стрептомицин сульфат, цефалоспоринлар: цефалексин, цефалотин натрий.

Терпенлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили.

Стероид гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. Прегнин, метилтестостерон, прогестерон, холекальциферол, эргокальциферол, ДОКСА.

Ароматик бирикмалар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. Феноллар, парааминофенол ва унинг ҳосилалари: фенол, парацетамол, тимол, тетрациклин

Пара аминокислота хосилалари гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. Анестезин, новокаин, новокаинамид, дикаин. Уларнинг таҳлили.

Арилалкиламинлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. (левомецетин, адреналин гидротартрат, норадреналин гидротартрат).

Сулфаниламидлар гуруҳига кирувчи дори моддалар таҳлили. (стрептоцид, норсульфазол, фталазол, сульгин). Сулфанилмочевина, бензосулфохламорамид ҳосилалари гуруҳига кирган дори воситалари таҳлили.

Дори воситаларини стандартлаш МХ тузилишига қўйилган талаблар. Дори воситасини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш шартлари. Дори воситаларининг миқдорий таҳлил натижаларини математик ишлаб чиқиш. Таҳлил усулларини баҳолаш ва маҳсулот сифатини кафолатлаш. Дори воситаларининг турғунлигини ошириш йўллари. Стабиллашнинг кимёвий усуллари. Дори воситаларининг яроқлилик муддатини аниқлаш.

Органик бирикмалар гуруҳига кирган дори моддалар таркибидаги галогенлар, азот, олтингугурт ва фосфорни аниқлаш. Кислород оқимида кўйдириш усули. Къелдал усули билан азотни аниқлаш.

Доривор ўсимлик хом ашёси таҳлилида қўлланиладиган кимёвий ва физикавий усуллари. Фитопрепаратлар таҳлили. Дори воситалари таҳлилида хроматографик усулларининг қўлланилиши. Фитопрепаратлар таҳлилида қўлланиладиган замонавий усуллар. Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган дори воситалар таҳлили. Дорихонада тайёрланган дори турлари таҳлилида амал қилиниши шарт бўлган меъёрий қужжатлар, йўриқномалар, буйруқлар ва уларнинг мазмуни.

ФАРМАКОГНОЗИЯ фани буйича:

Доривор ўсимликлар ва уларнинг хом ашёларини ҳамда қисман ҳайвонлардан олинадиган дори воситаларини фармакогностик ўрганиш.

Полисахаридлар сақловчи доривор ўсимликлар. Витаминлар сақловчи доривор ўсимликлар.

Терпеноидлар сақловчи доривор ўсимликлар. Иридоидлар сақловчи доривор ўсимликлар. Аччиқ гликозидларни тавсифи, таснифи, ўсимлик оламида тарқалиши, физик ва кимёвий константаларини, таркибидаги аралашмаларни аниқлаш, уларни сақловчи доривор ўсимликларни фармакогностик ўрганиш, дори турлари ва ишлатилиши. Алкалоидлар сақловчи доривор ўсимликлар.

Юрак гликозидлари сақловчи доривор ўсимликлар. Сапонинлар сақловчи доривор ўсимликлар. Фенол унумлари сақловчи доривор ўсимликлар. Лигнанлар сақловчи доривор ўсимликлар. Антрацен унумлари сақловчи доривор ўсимликлар. Ошловчи моддалар сақловчи доривор ўсимликлар. Флавоноидлар сақловчи доривор ўсимликлар. Кумаринлар сақловчи доривор ўсимликлар. Тио-ва цианоген гликозидлар сақловчи доривор ўсимликлар.

Доривор ўсимликлар маҳсулотларини қайта ишлаш. Доривор ўсимликлар маҳсулотларини таёрлаш, қуриштириш, стандарт ҳолатига келтириш усуллари.

Майдаланган маҳсулот таҳлили.

Доривор йиғмалар, уларни таҳлил қилиш усуллари, ишлатилиши. Ёғлар сақловчи доривор ўсимликлар.

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИ фани бўйича:

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимини ташкилий тузилиши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилиши. «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Ўзфармсанокат» Давлат акциядорлик концернининг ташкилий тузилиши ва уларнинг асосий вазибалари.

Дорихона муассасаларига фармацевтика фаолияти учун лицензия бериш.

Ўзбекистон Республикаси қонун-қоидаларига мос равишда фармацевтик фаолиятга лицензия бериш тартиби. Магистратурага кирувчиларда лицензия бериш ҳақидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш. Фармацевтик фаолиятга лицензия бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати.

Хусусий, жамоа ва акциядор дорихоналар ишини ташкил қилиш. Дорихона шахобчалари. Хусусий, жамоа ва акциядор дорихоналар ишини ташкил қилиш тартиби.

Рецептура ишлаб чиқариш бўлими ишини ташкил этиш. Рецептларни қабул қилиш ва беморлар билан мулоқот. Рецептларни ёзиб бериш тартиблари, рецептларни экспертиза қилиш. Рецептда ёзилган дори воситалари нархини аниқлаш. Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳамма дорихоналардаги рецептура ишлаб чиқариш бўлими иш фаолиятини магистратурага кирувчиларга ҳар томонлама ўргатилади. Рецептларни экспертиза қилиш.

Дорихона шароитида дори тайёрлашни ташкил қилиш. Дорихонанинг асосий вазибалари, дорихонанинг қурилиш майдонидаги хоналар, асептик блок, асептик хона дори воситаларнинг ташқи безаги ҳақида маълумот. Бундан ташқари дорихонага тегишли санитар қонун-қоидалар ва меъёрлар (Сан Қ ва М) таҳлили.

Дорихонада тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилишни ташкил этиш. Магистратурага кирувчиларга дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилишни ўргатилади.

Дорихонада олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситалари, концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлашни ташкил қилиш. Лаборатория қадоқлаш ишларини бажариш. Дорихонанинг ғамламалар бўлимида дорихона стандартлари, ярим фабрикатларини тайёрлашни ўргатиш, дорихонага ва даволаш-профилактика муассасалариларига дори воситаларини тарқатиш тартиблари.

Шифохона ва шифохоналараро дорихоналар ишини ташкил қилиш. Шифохона дорихонасининг ишини ташкил қилишининг ўзига хослигини ҳар тарафлама ўргатиш, шифохона дорихонасига қўйиладиган асосий талабларни уқтириш. Шифохоналараро дорихоналарни ташкил қилиш тартиблари,

ташқил қилиш шароити ва уларни беморларни дори воситалар билан таъминлашда асосий вазифаларини магистратурага қирувчиларга ўргатиш.

Дори воситалари ва тиббий техника маҳсулотлари сифатини таъминловчи назорат- рухсатнома тизими. Фармацевтика хизматида сифат стандарти. Назорат аналитик лабораторияси ишини ташқил қилиш. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, унинг асосий вазифалари, бўлимлари. Фармакология, Фармакопёя кўмиталари ва бошқа кўмиталар ҳақида ахборот. НАЛда дори воситалари сифатини назорат қилиш тартиби билан Давлат миқёсида таништириш. Сифат назорати ҳамда НАЛ ишини ташқил қилиш, унинг асосий вазифалари.

Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситаларига ва бошқа тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва аниқлаш. Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини дори-воситаларига бўлган эҳтиёжининг турлари ва аниқлаш услублари ўрганилади.

Дорихоналарда улгуржи савдони ташқил қилиш. Улгуржи савдода тиббиёт буюмларини ва дори воситаларини тарқатиш тартиблари. Дорихоналарда улгуржи савдони ташқил қилиш, дорихона омборхоналари ишини ташқил қилишни ва улардан мол-моддий бойликларни қабул қилиш сақлаш ва тарқатиш тартиблари.

Фармация иқтисодиёти асослари. Дорихона хўжалигини бозор муносабатлари асосида ташқил қилиш. Ўзбекистон Республикасида амалдаги асосий иқтисодий қонунлар. Фармацевтика бозорида истеъмолчилар фаолияти. Бозор иқтисодиёти шароитида фармация иқтисодиёти. Макро ва микроиқтисодиёт тўғрисида асосий тушунчалар. Бозор иқтисодиёти шароитида дорихоналарда қўлланиладиган истиқболни аниқлашнинг иқтисодий математик усуллари. Бозор иқтисодий категориядир. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг турли шаклларида дорихоналарнинг бозор хўжалик механизмидаги роли. Корхоналарнинг бозор муносабатларидаги ўрни. Талаб ва таклиф иқтисодий қонунлари.

Дорихона рецептураси унинг таснифи. Дорихона рецептураси ва савдо ҳажмининг истиқболини аниқлаш. Янги очилаётган дорихона рецептурасини истиқболини аниқлаш. Савдо ҳажмининг иқтисодий таърифи. Айланма маблағларнинг турлари, чакана ва улгуржи савдо ҳажмининг таркибий қисмлари бўйича истиқболини аниқлаш усуллари. Чакана ва улгуржи савдони истиқболини аниқлаш усуллари. Савдо ҳажмини йилнинг чорак бўйича истиқболини аниқлаш. Янги дори воситаларининг савдо ҳажмини истиқболини аниқлаш.

Дори воситаларига нарх белгилаш. Нарх турлари. Дорихоналарда маркетинг стратегиясини амалга оширишда нархларнинг шаклланиши. Нарх турлари. Дори воситалари нархларига таъсир этувчи омиллар. Нарх ўзгаришида дори воситаларига бўлган талабнинг истиқболини аниқлаш.

Дорихоналар ялпи даромадининг истиқболини аниқлаш. Дорихона ялпи даромадини истиқболини аниқлаш, унга таъсир этувчи омиллар.

Дорихоналар айланма маблағларининг истиқболини аниқлаш. Моддий бойликлар алмашинуви тушунчаси. Моддий бойликлар захиралари

меъёрларининг истиқболини аниқлаш. Пул ва бошқа активлар меъёри ва уларни истиқболини аниқлаш. Айланма маблағларни қопловчи манбалар. Моддий бойликлар, буюртмаларнинг оптимал ҳажми ва улар оралиқларини аниқлаш.

Дорихонада ишлаб чиқариш савдо ва муомала харажатларини истиқболини аниқлаш. Дорихона харажатларининг таркиби, истиқболини аниқлашнинг ўзига хослиги ва усуллари. Дорихона харажатлари ҳажмига ва даражасига таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш ва савдо харажатларининг моддалари бўйича 1 йилга ва чорақлари бўйича истиқболини аниқлашнинг аҳамияти.

Соф фойдани истиқболини аниқлаш. Молия режаси. Қисқа муддатлар ичида фойдани кўпайтириш (максимизация). Ялпи даромад. Унинг истиқболини аниқлаш. Асосий фаолият фойдаси, умум фаолият фойдаси, кўшимча фаолият фойдасини аниқлаш усуллари. Соф фойда, унга таъсир этувчи омиллар истиқболини аниқлаш. Соф фойдани сарфланиши.

Дорихона бизнес режасини тузиш. Мулкчиликнинг турли шаклларидаги акциядорлик, хусусий, масъулияти чекланган жамия дорихоналар бизнес режасини тузиш. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бизнес режанинг аҳамияти. Бизнес режанинг бўлимлари.

Дорихоналарда ҳисобни ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоб счётлари режаси. Келиб тушган моддий бойликларнинг ҳисоби. Ҳисоб, унинг турлари, ўлчовлари. Ҳисобчи ходимларнинг ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарлиги. Дорихоналарда ҳисобнинг асосий вазифалари. Бирламчи бухгалтерлик ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар. Ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари. Бухгалтерия ҳисоб счётлари режасининг асосий қисмлари ва бўлимлари. Бухгалтерия счётлари. Балансдан ташқаридаги счётлар.

Моддий бойликлар сарфининг ҳисоби. Ҳужжатлаштирилган моддий бойликлар сарфининг турлари. Чакана ва улгуржи мол айланма маблағларининг турлари, рецептуранинг ҳисоби, бепул ва имтиёзли бериладиган дори воситалари ҳисоби. Лаборатория ва қадоқлаш ишларининг ҳисоби, бошқа моддий бойликлар ҳисоби.

Хўжалик маблағлари ва уларнинг барпо бўлиш манбалари. Асосий воситалар, арзонбаҳо ва тез эскирувчи буюмларнинг ҳисоби. Асосий воситаларнинг келиб тушиши, ишлатиш жойини ўзгартириши, ҳисобдан чиқаришни, эскириш меъёрларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш. Арзонбаҳо ва тез эскирувчи буюмларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш.

Пул воситаларини ҳисобга олиш. Касса ва ҳисоб-китоб жараёнларини расмийлаштириш. Ташкилотлар, моддий жавобгар шахслар, таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобни ҳисобга олиш. Пул воситалари ҳаракатининг ҳисоби. Кирим ва чиқим касса жараёнлари, касса жараёнларини олиб бориш қоидалари, банкларга пул топшириш тартиби.

Ҳисоб-китобнинг асосий шакллари ва турлари. Банк орқали амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб жараёнларининг асосий шакллари, акцепт, аккредитив, электрон карточкалари орқали. Дебитор ва кредитор қарздорлик ва уни бартараф қилиш йўллари.

Иш ҳақини ҳисоби. Маош фондидан ажратмалар. Иш ҳақи кўрсаткичларининг таснифи. Маош фондидан ажратмалар. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш ва аниқлаш. Дорихона ходимларининг иш ҳақларини аниқлаш, ойликка қўшимча ҳақ тўлаш усуллари.

Давлат тасарруфидаги ва акциядорлик жамиятлари дорихоналарининг ҳисоботлари. Ҳисоботнинг аҳамияти ва турлари. Ойлик ҳисобот ва унинг таркиби. Молия натижалари ҳақида ҳисобот. Ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш.

Дорихоналарда инвентаризация ўтказиш тартиблари. Мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини ўтказишнинг аҳамияти. Инвентаризация ўтказиш тартиб ва қоидалари. Расмийлаштириш ҳужжатлари.

Бухгалтерия баланси. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия балансининг миллий андозаси. Бошланғич ва жорий баланс. Баланс тузилиши ва моддалари. Синтетик ва аналитик счётлар. Айланма маблағлар қайдномалари, дорихона бош китоби. Бухгалтерия ёзувлари, оддий, мураккаб. Балансда бўладиган ўзгаришлар турлари.

Дорихона хўжалик молиявий фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Иқтисодий таҳлил турлари, босқичлари. Бозор иқтисодиётида иқтисодий баҳолашнинг мезонлари. Дорихона хўжалик молиявий ҳолатларини кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими, солиққа тортилишнинг асосий негизлари. Солиқ турларининг ставкалари, солиқсиз тўловлар. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган тўловлар.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими. Банк турлари. Кредит турлари, қисқа, ўрта муддатли, узоқ муддатли кредит бериш тартиб қоидалари. Кредитни қайтариш шартлари ва унга қўйиладиган талаблар.

«Фармацевтик менежменти» фани бўйича

Фармацевтика тизимини бошқаришда менежмент асослари. Дорихона муассасаларини бошқариш. Фармацевтика бозорининг шаклланиши шароитида бошқарувнинг ўзига хос томонлари. Асосий тушунчалари, усуллари. Менежернинг роли ва вазифалари. Фармацевтик менежментида модель ва усуллар.

Раҳбарлик усуллари. Менежернинг шахсий ишбилармонлик сифатларини баҳолаш услубларини қўллаш. Дорихона ташкилотлари ва муассасаларида ходимларни бошқариш. Фармацевтик ходимларнинг бошқариш стратегияси ва усуллари. Раҳбар ходимлар меҳнатини ташкил қилиш. Раҳбар меҳнатининг мазмуни ва характери. Раҳбарнинг бошқарув функцияларининг турлари.

Миллий дори сиёсати. Аҳолини сифатли ва нисбатан арзон дори воситалари билан таъминлаш, кам таъминланган аҳоли тоифаларига дори воситаларини етиб боришини кузатиш. Асосий дори воситалари рўйхатидаги генерик дори воситаларининг мониторинг текширувлари ва индикаторлари.

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика бозори инфратузилмаси ва уни бошқариш тизими. Дори воситалари ва тиббий техника сиёсати

Давлат Маркази. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг сифат менежментини таъминлаш фаолияти. Дори воситаларини қайд қилиш. Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини сифатини бошқаришда стандартлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатини бошқаришда сертификатлаштириш тизими. Тиббий ва фармацевтик маҳсулотни сертификатлаштириш тизими. Сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби. Сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари. Мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва дори воситаларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш. Фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий тамойили дори воситаларининг сифати ва безарарлигини таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ва унинг ҳолати. Дори воситаларининг қалбакилаштирилишига таъсир кўрсатувчи омиллар. Қалбаки дори воситалари ҳақида тушунча. Қалбаки дори воситаларининг таснифланиши. Қалбаки дори воситаларининг стандартига мувофиқ келмаслик кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги дори воситаларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Фармацевтика ташкилотларни бошқаришда ҳужжатлаштириш. Дорихона муассасаларида ҳужжатлаштириш асослари. Дорихона муассасаларида тузиладиган ҳужжатлар таснифи. Ҳужжатларни муассасалардаги айланиш ҳаракатларини ташкил қилиш. Ҳужжатларни мазмунига кўра гуруҳларга бўлиб ҳисобини, бажарилишини ва сақланишини ташкил этиш. Ҳужжатларни экспертиза қилиш, сақлаш ва уларни йўқ қилиш.

Дорихона муассасаларида кадрлар менежменти. Кадрлар менежменти асослари. Фармацевт кадрларнинг таснифланиши. Корхонанинг ташкилий тузилмаси. Лавозимларга зарур ходимларни танлаш, суҳбат, тест ўтказиш, ишга қабул қилиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш. Кадрларни баҳолаш.

Меҳнат қонунчилиги бўйича асосий маълумотлар. Меҳнат шартномаси тушунчаси ходимни ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати билан ишга олиш меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартириш, вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш. Меҳнат шартномасини бекор қилиш иш вақти ва дам олиш вақти меҳнат интизоми.

Фармацевтика бошқаруви тизимида ахлоқ ва деонтология. Фармацевтик ахлоқ ва деонтология ҳақида тушунча. Ишлаб чиқариш жамоаси. Унинг расмий ва норасмий тузилиши. Дорихона жамоасининг ижтимоий-руҳий муҳити. Жамоани бошқариш жараёнида раҳбар аҳамияти. Бошқарувчи фаолиятида ахлоқ. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида ахлоқ мезонлари. Келишмовчилик вазиятлари ва уларни бартараф этиш йўллари. Келишмовчилик вазиятларида феъл-атвор услублари.

Дорихона муассасалари фаолиятининг давлат ташкилотлари томонидан назорати фармацевтик инспекция. Дорихона муассасаларининг молия-хужалик, ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини назорат қилиш турлари, вазифаси ва муддати. Комплекс ревизиянинг асосий вазифалари. Аудит ва консалтинг хизмати. Дорихоналар фаолиятининг фармацевтик инспекцияси. Дорихона муассасаларида ўтказилган текширув натижаларини қайд қилиш.

Фармацевтик ташкилотларни бошқаришда коммуникация. Бошқариш коммуникациясининг моҳияти, турлари. Коммуникация жараёнининг босқичлари. Бошқариш коммуникациясининг руҳияти ва технологияси. Иш бўйича мулоқот ва шакллариининг моҳияти. Замонавий компьютер технологиялари.

Фармацевтика хизматини бошқаришда ахборот тизими. Тиббий ва фармацевтик ахборотнинг манбалари билан ишлаш. Замонавий ахборот технологиялари. Дори воситаларидан оқилона қўлланишида формуляр тизими. Даволаш жараёнини оптималлашда ахборот тизимининг аҳамияти.

Маркетинг фанининг назарий асослари. Маркетинг фани предмети, вазифалари ва аҳамияти. Маркетинг тамойиллари, талаблари ва мақсадлари. Маркетинг муҳити. Маркетинг дастури – корхона бизнес режасининг асоси.

Дори воситалари рекламасининг ўзига хос хусусиятлари. Дори воситалари рекламасининг ўзига хос хусусиятлари. Дори воситаларига бўлган талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш. Дори воситалари кўргазмаларини ташкил этиш. Реклама компаниясини режалаштириш. Дори воситалари бозорида реклама турлари ва шакллари.

Фармацевтикада тадбиркорлик ва бизнес. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик, моҳияти, турлари. Ўрта ва кичик бизнес шакллари. Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатида қайд этиш. Бизнесда хавф-хатар ва уларни бартараф этиш йўллари. Фармацевтик бизнес объектлари ва субъектлари. Бизнес стратегияси.

ФАРМАКОЛОГИЯ фани бўйича:

Фармакология фани тарихи, фармакологияга ҳисса қўшган олимлар. Фармакологиянинг бўлимлари, унинг амалий аҳамияти. Дори воситалари хақида тушунча. Дориларнинг бошқа омиллар билан узаро муносабати. Дориларни дозалаш. Дориларнинг организмга киритиш йўллариининг характеристикаси, аҳамияти, сўрилиш қонунлари ва характеристикаси. Биосамарадорлик, Дориларни бирга қўллашда кузатиладиган ўзгаришлар. Дориларни метаболизми, сурилиши ва организмдан чиқарилиши. Дориларнинг таъсир турлари: маҳаллий ва резорбтив таъсир, уларнинг характеристикаси ва хар хил омилларга боғлиқлиги. Дори воситаларининг танада тақсимланиши, оқсиллар билан боғланиши. Дориларнинг самараси юзага чиқишида ташқи ва ички омилларнинг аҳамияти. Дориларнинг метаболизм йўллари: метаболит трансформация ва конъюгация туғрисида тушунча. Дориларнинг чиқиб кетиш йўллариининг аҳамияти. Дорилардан захарланиш, уларни олдини олиш ва ёрдам бериш тадбирлари. Дориларни

кўшиб ва такрор қўллашда кузатиладиган ўзгаришлар ва уларнинг амалий ахамияти. Дориларни салбий таъсирлари. Хронофармакология. Дорилар сифатининг фармакологик назорати. Дори воситаларининг таснифи. Наркоз моддалари, уларнинг турлари ва фармакологик хоссалари, таъсир механизми, босқичлари. Наркоз воситаларининг комбинирланган ҳолда ишлатилиши. Этил спиртининг фармакологик хоссалари. Уларнинг МНС га таъсир кўрсатиши. Алкоголизмнинг оқибатлари. Алкоголизмни даволашда қўлланиладиган дори воситалари. МНС тизимига таъсир этувчи дори воситалар фармакологияси. Наркоз дори воситалари. Этил спирти. Ухлатувчи дори воситаларининг фармакологик хоссалари, МНС га таъсири. Таъсир механизми. Тутқаноққа қарши ишлатиладиган дори воситалари, уларнинг характеристикаси. Паркинсонизмда ишлатиладиган препаратлар. Морфиннинг МНС-га тормозловчи ва кўзғатувчи таъсири. Морфинга зид препаратлар – налорфин, налоксан. Морфинизм ва унинг оқибатлари. Синтетик наркотик аналгетиклар. Нейролептоаналгезия. Нонаркотик дори воситаларининг характеристикаси ва ишлатилиши. Нонаркотик аналгетиклар-анилин, пиразолон ва салицил кислота унумлари. Уларнинг таъсир механизми. Ишлатилиши ва ножўя таъсирлари. Психоседатив воситаларнинг хоссалари. Нейролептиклар, транквилизаторлар, психоседатив воситалар. Уларнинг солиштирма таърифи, фармакологик таъсири. Таъсир этиш механизми. Антидепрессантлар ва ноотроплар, церебропротекторлар қўлланилиши таъсир механизми, ишлатилиши ва ножўя таъсирлари, литий тузларининг фармакологик хусусиятлари. Уларнинг препаратлари, ишлатилиши ва ножўя таъсирлари. Қўллашга тавсиялар. Психостимуляторлар, аналептиклар, уларнинг хусусиятлари, таъсир механизми. Қўллашга тавсиялар. Ақлий ва жисмоний иш қобилиятининг ортиши. Салбий таъсирлари ва қўллашга қарши кўрсатмалар Аналептиклар, орқа мияга таъсир этувчилар ва умумий тонусни оширувчиларнинг фармакологик хусусиятлари. Уларнинг препаратлари, ишлатилиши ва ножўя таъсирлари.

М- холиноретсепторларга таъсир этувчи воситалар. Уларнинг таснифи. Кўз қорачиғига, ички босимига ва аккомодациясига, ички аъзолар силлиқ мускулларига, секреция безлари ҳамда Юракка таъсири. Холинестераза ингибиторларининг қайтар ва қайтмас таъсири. Адренергик тизимга таъсир этувчи моддалар таснифи, α ва β адреномиметиклар. Уларнинг фармакологик хусусиятлари. α ва β адреноблокаторлар. Юракка танлаб таъсир қилувчи носелектив ва селектив β -адреноблокаторлар, таъсир хусусиятлари. Юрак қон томирлари етишмовчилигида, аритмияда, гипертония касаллигида қўлланилиши. Симпатолитик воситалар. Н-холиноретсепторларни блокловчилар. Уларнинг коротид тугуни, вегетатив ганглиялар ва буйрак усти бези Н-холиноретсепторларига таъсири. Ганглиоблокаторлар, миорелаксантлар. Салбий таъсирлари ва уларнинг олдини олиш тадбирлари. Мелликтинни қўллаш хусусиятлари. Махаллий оғриқсизлантувчилар, характеристикаси, қўлланилиши. Ўраб олувчи ва сўриб олувчи моддаларнинг қўлланилиши. Буриштирувчи препаратлар. Қитиқловчи моддалар. Эфферент нервлар соҳасига таъсир қилувчи воситалар. Махаллий анестетиклар.

